# Рамазон ойларнинг саййиди, тавба ва истиғфор ойидир




09:27 / 22.03.2025    1515

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ: "الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ، وَالْجُمْعَةُ إِلَى الْجُمْعَةِ، وَرَمَضَانُ إِلَى رَمَضَانَ، مُكَفِّرَاتٌ مَا بَيْنَهُنَّ إِذَا اجْتَنَبَ الْكَبَائِرَ".

مسلم: 233، أحمد: 7129.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Беш вақт намоз, икки жума ва икки Рамазон ўзларининг орасидаги гуноҳларга каффоратдир, башарти кабира гуноҳлардан сақланилса»**, дедилар».

*Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривоятлари.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "رَغِمَ أَنْفُ رَجُلٍ ذُكِرْتُ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ، وَرَغِمَ أَنْفُ رَجُلٍ دَخَلَ عَلَيْهِ رَمَضَانُ فَانْسَلَخَ قَبْلَ أَنْ يُغْفَرَ لَهُ، وَرَغِمَ أَنْفُ رَجُلٍ أَدْرَكَ عِنْدَهُ أَبَوَاهُ الْكِبَرَ فَلَمْ يُدْخِلَاهُ الْجَنَّةَ" قَالَ رِبْعِيٌّ: وَلَا أَعْلَمُهُ إِلَّا قَدْ قَالَ: "أَوْ أَحَدُهُمَا".

البخاري في بر الوالدين: 24، مسلم: 233، أحمد: 7451، الترمذي: 3545، ابن حبان: 908.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳузурида эсланганимда менга салавот айтмаган кишининг бурни ерга ишқалансин. Рамазон ойи кириб, у кечирилишидан олдин ой тугаган кишининг бурни ерга ишқалансин. Ота-онасини ёки улардан бирини қарилик вақтида топиб, улар сабабли жаннатга кирмаган кишининг бурни ерга ишқалансин»**, дедилар».

*Имом Бухорий, «Биррул волидайн», Имом Муслим, Имом Аҳмад, Имом Термизий, Имом Ибн Ҳиббон ривоятлари.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَعِدَ الْمِنْبَرَ، فَقَالَ: "آمِينَ آمِينَ آمِينَ" قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّكَ حِينَ صَعِدْتَ الْمِنْبَرَ قُلْتَ: آمِينَ آمِينَ آمِينَ، قَالَ: "إِنَّ جِبْرِيلَ أَتَانِي، فَقَالَ: مَنْ أَدْرَكَ شَهْرَ رَمَضَانَ وَلَمْ يُغْفَرْ لَهُ فَدَخَلَ النَّارَ فَأَبْعَدَهُ اللَّهُ، قُلْ: آمِينَ، فَقُلْتُ: آمِينَ، وَمَنْ أَدْرَكَ أَبَوَيْهِ أَوْ أَحَدَهُمَا فَلَمْ يَبَرَّهُمَا، فَمَاتَ فَدَخَلَ النَّارَ فَأَبْعَدَهُ اللَّهُ، قُلْ: آمِينَ، فَقُلْتُ: آمِينَ، وَمَنْ ذُكِرْتُ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيْكَ فَمَاتَ فَدَخَلَ النَّارَ فَأَبْعَدَهُ اللَّهُ، قُلْ: آمِينَ، فَقُلْتُ: آمِينَ".

البخاري في بر الوالدين: 25، 26، والأدب المفرد: 646، ابن خزيمة: 1888، ابن حبان: 907.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга кўтарилдилар ва: **«Омин, омин, омин»**, дедилар. «Эй Расулуллоҳ, сиз минбарга кўтарилганингизда «Омин, омин, омин» дедингиз», дейилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Жаброил менга келиб: «Ким Рамазон ойини топиб, кечирилмаса ва дўзахга кирса, Аллоҳ уни узоқлаштирсин. Омин, денг», деди. Омин, дедим. «Ота-онасини ёки улардан бирини** (қарилик вақтида) **топиб, яхшилик қилмаган, сўнг ўлиб, дўзахга кирган кишини Аллоҳ узоқ қилсин. Омин, денг», деди. Омин, дедим. «Ҳузурида эсланганимда менга салавот айтмаган, сўнг ўлиб, дўзахга кирган кишини Аллоҳ узоқ қилсин. Омин, денг», деди.**

**Омин, дедим»,** дедилар».

*Имом Бухорий, «Биррул волидайн», «Ал-Адаб ал-муфрад», Имом Ибн Ҳузайма, Имом Ибн Ҳиббон ривоятлари.*

عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَوْ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ هُوَ شَكَّ، يَعْنِي الْأَعْمَشَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ لِلَّهِ عُتَقَاءَ فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ لِكُلِّ عَبْدٍ مِنْهُمْ دَعْوَةٌ مُسْتَجَابَةٌ".

أحمد: 7450، 7148، الترمذي: 682، ابن ماجة: 1642، 1643، ابن خزيمة: 1883، ابن حبان: 3435.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Рамазон ойининг) **ҳар кун ва кечасида Аллоҳ (уларни дўзахдан) озод қилганлар бор. Улардан ҳар бир банданинг мустажоб дуоси бор»**, дедилар».

*Имом Аҳмад, Имом Термизий, Имом Ибн Можа, Имом Ибн Ҳузайма, Имом Ибн Ҳиббон ривоятлари.*

عَنْ جَابِرٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ لِلَّهِ عز وجل عِنْدَ كُلِّ فِطْرٍ عُتَقَاءَ، وَذَلِكَ فِي كُلِّ لَيْلَةٍ".

ابن ماجه: 1643، ، الحاكم 1/421، البيهقي في السنن: 4/303، وفي شعب الإيمان: 3598، البغوي: 1705.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар ифтор вақтида Аллоҳ азза ва жалланинг озод қилган қуллари бордир. Бу ҳар кечада бўлади»**, дедилар».

*Имом Ибн Можа, Имом Ҳоким, Имом Байҳақий, «Сунан», «Имон шўъбалари»,  Имом Бағовий, «Шарҳи сунна» ривояти.*

عَنْ هُبَيْرَةَ بْنِ يَرِيمَ قَالَ: قَالَ ابْنُ مَسْعُودٍ: "سَيِّدُ الشُّهُورِ رَمَضَانُ، وَسَيِّدُ الْأَيَّامِ يَوْمُ الْجُمُعَةِ".

ابن أبي شيبة: 2/149، البيهقي في شعب الإيمان: 3365، الطبراني في الكبير: 9000.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: **«Ойларнинг саййиди Рамазон, кунларнинг саййиди жумадир»**, деди.

*Ибн Абу Шайба, Имом Байҳақий, «Имон шўъбалари, Имом Табароний, «Муъжамул Кабир» ривоятлари.*

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: إِنَّ فِي رَمَضَانَ يُنَادِي مُنَادٍ بَعْدَ ثُلُثِ اللَّيْلِ الْأَوَّلِ أَوْ ثُلُثِ اللَّيْلِ الْآخِرِ أَلَا سَائِلٌ يَسْأَلُ فَيُعْطَى، أَلَا مُسْتَغْفِرٌ يَسْتَغْفِرُ فَيُغْفَرَ لَهُ، أَلَا تَائِبٌ يَتُوبُ فَيَتُوبَ اللهُ عَلَيْهِ.

اللالكائي: 766، البيهقي في شعب الإيمان: 3356.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: **«Рамазонда кечанинг учдан бирининг аввалида ёки охирида нидо қилувчи: «Аллоҳдан сўрайдиган сўровчи бормики, унга сўраган нарсаси берилса. Аллоҳдан мағфират сўрайдиган сўровчи бормики, у кечирилса. Тавба қилувчи бормики, Аллоҳ уни кечирса», деб нидо қилади»**, деди.

*Ал-Лаликоий, Имом Байҳақий, «Имон шўъбалари» ривояти.*

***«Рўза аҳлига Рамазон туҳфаси» китобидан***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги 2156-сонли хулосаси асосида чоп этилган.